


Мустақиллик биз учун — ўзлигимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир.



O'zbekiston
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

ADOLAT

Ижтимоий-сиёсий газета

Инсон манфаатлари — олий қадрият

№ 32
(736)
2009 йил,
24 июль,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Қалбимдасан, Истиқлол

Энг улуг ва энг азиз байрамимиз арафасидаги ўйлар

Ҳадемай ҳаётимиздаги энг улуг ва энг азиз байрам — Истиқлолимиз ўн саккиз ёшга тўлади. Сўнгги ўн саккиз йиллик умримиз мамлакатимиз озодлиги шароитида, янги маъназмунда ўтганидан бениҳоя мамнунмиз. Бу йилларнинг ҳар кунини, ҳар дақиқасини тарихий воқеаларга бой бўлди.

Ўн саккиз ёш инсон ҳаётига қиёсласак, гайрат-шижоатга, ақл-идроққа тўлган, азму қарори, мақсад-муддаоси тиниқлашган навқирон давр ҳисобланади. Бугун ҳаётимизнинг маъназмунлиги, келажак сари интилишимизнинг бош йўналиши, тенгсиз қадрият бўлиб қолган Мустақиллик ўтган йиллар ичида қўтилган ва қўтилмаган оғир синовлардан, қийинчилик ва машаққатлардан ўтиб, чинакамига қамолга етди, ўсиб-ўлғайди. Бу улуг неъмат ҳар биримизнинг онг-шууримизга шу қадар чуқур сингидики, эндиликда ҳеч ким ўзини ундан ҳис эта олмайди. Ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбари бошчиликда, халқимизнинг мустақам иродаси, қатъияти ва фидойилиги, муштарак мақсад йўлидаги шижоатли меҳнати, самарали ишлатилган боис эришган тарихий, оламшумул ғалабаларимизнинг барчаси шу бебаҳо неъмат билан боғлиқ.

Ўтган йилларга бир назар ташлайлик. 1990 йил 24 март кунини мамлакатимизда Президентлик бошқаруви жорий қилинди. Бу пайтда ҳали собиқ тузум мавжуд, СССР конституциясининг 6-моддаси кучда, демократик марказдан бериладиган ҳар қандай

ҳам сиёсат, ҳам маданий-маърифий ишлар билан шуғулланишга, энди оёққа тураётган мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга, ёмон кўзлардан асраб-авайлашга тўғри келди. Президентимиз Ислам Каримовнинг доно раҳбарлиги, узоққа мўлжалланган ички ва ташқи сиёсати боис, бу муаммолар босқичма-босқич ўз ечимини топа бошлади.

Истиқлол бизга, энг аввало, ўзликка қайтиш ва уни англаш, инсон манфаатлари устувор бўлган янги эркин, демократик жамият қуриш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш, улуг аждодларнинг бебаҳо маънавий меросидан баҳраманд бўлиш, ўзимизга хос ва мос турмуш тарзини белгилаш имконини берди. Истиқлол боис биз учун дунё эшиклари, манфаатли ҳамкорлик йўллари кенг очилди. Миллат шаън-шавкати тикланди, озод Ватанимизнинг номи жаҳон кенгликларидан мағрур жаранглай бошлади.

Истиқлол йилларида эришилган тарихий ютуқларни бугун ҳаётимизнинг даяри барча соҳаларида кўриш мумкин. Қўз ўнгимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари содир бўлмоқда. Жаҳоннинг кўплаб сиёсатдонлари, таниқли жамоат арбоблари мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаб, узоқ келажакни мўлжаллаб ўтказилаётган кенг қамровли ислохотларни ижобий баҳолашмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



топшириқни сўзсиз бажариш мажбурий эди. Озодлик сари ташланган биринчи жасоратли қадамдан сўнг, орадан бир йил ўтиб, 1991 йил 31 август кунини муҳтарам Ўртабўшимиз Ўзбекистонни мустақил давлат, деб эълон қилдилар. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг неча асрлик орзу-армонлари ушалди. Жаҳон харитасида янги ёш давлат пайдо бўлди. Унинг дастлабки шижоатли қадамлари дунё эътиборини ўзига қаратди.

Уша пайтларни эсласак, аҳвол жуда мураккаблиги ёдимизга тушади. Собиқ тузумдан қолган майиб-мажруҳ иқтисодни тиклаш, бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисод,



Самарали меҳнат шарофати

табiiй газ конларида иш суръатини ошириб, сифатини яхшилашга йўл очмоқда



Устурт худудидида жойлашган «Шахпахти» табiiй газ қонида айни пайтда 12 ҳудуддан табiiй газ олинмоқда. Яқин вақт ичида ҳудудлар сонини кўпайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу ерда 2004 йилдан «Хорижий нефтьгаз-Марказий Осиё ГПД» масъулияти чекланган жамияти томонидан газ қазиб олиш ишлари бошлаб юборилган эди. Жамоа шу кунга қадар 1 миллиард 326 миллион метр-куб табiiй газ қазиб олди ва транспортировка қилди.

Кон ишчиларининг самарали меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Шифохона, ошхона, чўмилиш хонаси ва дам олиш хоналари улар хизматиди.

Суратларда: оператор Алпомиш Бердиев билан уста Умирбек Қобулов, оператор Пўлат Яқшимов иш пайтида. Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

★ «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати республика Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» очик акциядорлик банки билан ҳамкорликда ўтказиб келатган «Ёш тадбиркор — юртга мадалкор» анъанавий бизнес лойиҳалар танловининг минтақавий босқичлари бошланди.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бўйича ўтган танлов босқичларида 700 нафар иштирокчи орасидан 25 нафар ёш тадбиркор республика босқичига йўланма олди.

★ Мамлакатимиз Президентининг «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясида умумий қиймати 30,8 миллион АҚШ доллари ҳажмида 9 та истиқболли лойиҳалар бажарилишига киришилди.

★ Улардан бири — «DSLAM» технологиялари асосида юқори тезликдаги Интернет хизматлари бўлиб, аҳолининг замонавий алоқа ва телекоммуникация хизматларига бўлган талаби қондирилиши ҳамда жойларда қўшимча янги иш ўринлари жорий этилишини таъминлайди.

★ Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз рўй бераётган бир пайтда мамлакатимиз тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий рейтинг баҳоларига сазовор бўлмоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи ярмида 8 та банк: Ташкилот иқтисодий фаолият Миллий Банки, «Асакабанк», «Туронбанк», «Алоқабанк» — «Мудис» халқаро компаниясининг, «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» — «Фитч Рейтингс» компаниясининг, «Капиталбанк» эса «Стандарт энд Пуэр» компаниясининг «барқарор» рейтингини олдилар. Ўзгича бўлиб, айни шу компаниялар рейтингига муносиб кўрилган банкларимиз сони ҳозир 13 тага етди.

★ «Маҳалла» жамғармасининг Наманган вилояти бўлими ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» республика кўриктанловининг вилоят босқичи якунланди.

Унда туман ва шаҳар босқичларида ғалиб чиққан 12 та маҳалла маслаҳатчилари ўзаро куч синатиш, яқиний натижаларига кўра «Оқер» маҳалласи маслаҳатчиси таловнинг республика босқичига йўланма олди.

ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Ҳар қандай сиёсий партия томонидан олиб борилаётган ишлардан кенг омма қатламини батафсил хабардор этиб боришда изчил ва самарали тарғибот-ташвиқот муҳим рол ўйнайди. Айни шу мақсад йўлида астойдил хизмат қилаётган газетамиз ижодий жамоаси янги — «Худудий партия ташкилотларида» рукни остида туркум мақолалар чоп этишни бошлади.

Қуйида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг энг кўп аъзоларини ўзида бирлаштирган Самарқанд вилояти партия Кенгаши ҳамда унинг қуйи бўғин ташкилотларининг ибратли фаолияти билан танишасиз.

САМАРҚАНД: дахлдорлик, интилиш ва ташаббус

ёки вилоятда партиявий фаолиятни амалий изга кўчириш тажрибаси хусусида

Бугун Самарқандда ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг қайноқ нафасини ва ана шу жараёнларга нисбатан лойиқ муносабатни партиянинг бошланғич ташкилот-

ларида яққолроқ сезасиз. Ҳар гал рўй берган ва қўтилаётган ўзгаришлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидаги депутатлар, партия фаоллари, уларнинг хай-

рихоҳлари иштирокида қизғин муҳокама этилаётганига гувоҳ бўласиз.

(Давоми 3-бетда.)

Янги аъзоларга партия билетлари

Сирдарё вилоят Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бошланғич партия ташкилотининг ҳисобот-сйллов йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда бошланғич ташкилот етакчиси Маликаҳон Ҳасанова ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар таъкидланди. Ўтган вақт ичида БПТ аъзолари сони сезиларли равишда ортиб, 30 нафарга етди. Аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлиниши йўлга қўйилди. Шунингдек, бошланғич ташкилот томонидан турли мавзуларга бағишланган маънавий-маърифий, тарғибот тадбирлари ўтказилди. Йиғилишда партиянинг дастурий гоа ва мақсадлари тарғиботи самарадорлигини ошириш, бошланғич ташкилот сафини

янада кенгайтиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда Гулистон шаҳар партия Кенгаши ҳисобот-сйллов конференциясига делегатлар сайланди. Партия аъзолигига қабул қилинган 7 кишига аъзолик билетлари топширилди.

Муҳимбой ИСМОИЛОВ,
«Adolat» мухбири.

Ҳамкорлик самараси

Тошкент вилояти табииоти муҳофаза қилиш қўмитаси қошидаги Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг бошланғич ташкилоти томонидан амалга оширилаётган ишлар, ушатирилаётган тадбирлар кўлами тобора кенгайиб бораётган. Бу борада, айниқса ҳамкорлик яхши самара берапти.

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган нобатдаги тадбир мамлакатимиздаги сйллов қўмиталигига бағишланди. Унда сйллов қўмиталигига киритилган ўзгаришлар тўғрисида атрофича сўз борди.

Мунтазам ўтказиб келинаётган бундай семинарлар фаолларимизга мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги кенг кўламли ислохотлар жараёни билан танишиш имконини берапти. — дейди БПТ етакчиси А.Абдураимов. — Бу эса юрт равнақи йўлидаги эзгу ишлар самарадорлигига хизмат қилмоқда.

Очик мулоқот шаклида ўтказилган тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам очик баён этишди.

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Adolat» мухбири.

ФАРҒОНАЛИКЛАР ИБРАТИ



«Фарғонанон» ОАЖ корхонасининг икки юз нафардан зиёд ишчи-ходимларини партия аъзолари ташкил этади. Ўзгича бўлиб, улар корхона истиқболли учун турли ташаббуслар, янгиликларга қўл уришмоқда.

ЯПОНИЯДА ПАРЛАМЕНТ ТАРҚАТИЛДИ



Kyodo News агентлиги маълумот беришича, навбатдан ташқари ўтказилаётган умумхалқ сйллови 30 августга белгиланди. Таро Асо парламент тарқатилиши ва сйллов кунини белгилаш ҳақида ўзи бошқараётган Либерал-демократик партия Токиодаги сйлловда муваффақиятсизликка учрагандан сўнг маълум қилди.

ЗАМОНАВИЙ ВА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ



Бу замонавий транспорт воситалари Чуст, Янгиқўрғон, Мингбулоқ туманларининг олис ва тоғли худудларида истикомат қилувчи аҳолига ўз вақтида шифолиқ тиббий ёрдам кўрсатишда катта аҳамиятга эга.

